

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИНИНГ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР  
ТАЪЛИМИ МАРКАЗИНИНГ  
ҚАРОРИ

**241** Умумий ўрта таълим мактаблари битирувчиларининг  
шахсий ҳужжатлар йиғмажилдини шакллантириш  
учун зарур бўлган ҳужжатлар рўйхатини тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил  
13 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2673*

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 июндаги 109-сон «Умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида ўқитиш билан қамраб олишни таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази **қарор қилади:**

1. Умумий ўрта таълим мактаблари битирувчиларининг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдини шакллантириш учун зарур бўлган ҳужжатлар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Халқ таълими вазири**

**У. ИНОЯТОВ**

Тошкент ш.,  
2015 йил 7 май,  
12-мх-сон

**Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлигининг Ўрта махсус, касб-  
хунар таълими маркази директори**

**У. САЛИМОВ**

Тошкент ш.,  
2015 йил 7 май,  
21/ҚҚ-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта  
махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус,  
касб-хунар таълими марказининг 2015 йил  
7 майдаги 12-мх ва 21/КҚ-сон қарорига  
ИЛОВА

**Умумий ўрта таълим мактаблари битирувчиларининг  
шахсий ҳужжатлар йиғмажилдини шакллантириш учун  
зарур бўлган ҳужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Битирувчининг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси директори номига ёзган аризаси;

2. 086-У-шакл бўйича тиббий маълумотнома;

3. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспорти нусхаси, агар битирувчи паспорт олмаган бўлса, унинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси;

4. Битирувчининг 3,5 x 4,5 см ҳажмдаги 6 дона фотосурати (рангли);

5. Умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадалари ғолибларига берилган республика ташкилий қўмитасининг йўлланмаси, агар мавжуд бўлса;

6. Умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома;

7. Халқ таълими тизимида ўтказилган психологик-педагогик ташхис натижалари (Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис маркази тавсияномаси);

8. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббий маслаҳат комиссиялари хулосалари ва тавсиялари, шунингдек Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаларининг, туман (шаҳар) Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларининг йўлланмалари — ихтисослаштирилган касб-хунар коллежларида таълим олувчи имкониятлари чекланган шахслар учун;

9. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ёки вилоят халқ таълими бошқармасининг битирувчи академик лицей ёки касб-хунар коллежига жалб этилмаганлигини тасдиқловчи маълумотномаси — илгари академик лицейлар ёки касб-хунар коллежларига жалб этилмаган битирувчилар учун.

*Изоҳ:*

*Мазкур Рўйхатнинг 1 — 5-бандларида назарда тутилган ҳужжатлар бевосита битирувчининг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан, 6 — 9-бандларида назарда тутилган ҳужжатлар бевосита тегишли умумтаълим мактаби томонидан тўпланadi.*

**19 (675)-сон**

**— 113 —**

**241, 243-моддалар**

10. Мазкур Рўйхат Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган.

*Соғлиқни сақлаш вазири*

*А. АЛИМОВ*

*2015 йил 7 май*